

ФИЗИКА ДАРСЛАРИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Якубова Бону Айбек қизи,

Низомий номидаги ТДПУ магистранти

Замонавий таълим стратегияси барча талабаларга шахсий режаларни амалга ошириш имкониятини назарда тутиб, ижодкорлик ва ўз истеъдодларининг салоҳиятини намоёни этиш имкониятини беради. Шунинг учун бугунги кундаги долзарб муаммолардан ўқитишнинг жамоавий ва яқка шаклларида ўқувчиларнинг ижодий фаолияти билан боғлиқ фикрлаш қобилиятини ривожлантириш воситаларини топишдан иборат.

Бутун дунёда талабаларнинг юқори сифатли таълим олишлари учун кенг шарт-шароитлар яратиш, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади²⁹.

Айни дамда тадқиқотчи ва олимларимиз талабаларни жамоавий ва яқка тартибда ўқитиш, ижодий қобилиятини шакллантириш, таълим соҳасида янгиликлар яратиш мавзуларида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Бугунги кунга келиб, ҳал қилиб бўлмайдиган масалалардан бири бу ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш. Бунинг учун ўқув ва синфдан ташқари ишларни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий рисоалар яратиш керак. Ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг ушбу соҳадаги билимларини янада ошириш нур устига аъло нур бўларди.

XXI аср - тараққиёт ва технологиялар даври. Вақт замонавий инсон қандай бўлиши кераклиги ўргатди ва унга ҳаракатда бўлиши кераклигини уқтирди.

Муваффақиятли ва замон билан ҳамнафас бўлишга интиланган ҳар бир шахс, янги авлод хусусиятларига, замонавий инсон мезонларига жавоб бера олиши керак.

Замонавий инсон - юксак тафаккур қила оладиган, юқори технологияли ва компютерлаштирилган, замонавий техник ютуқларнинг самараларини осонгина тушуна билладиган ва бошқара оладиган инсон..

Компьютер ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиши ҳаракатланиш тезлигини оширади. Доимий равишда машқ қилиш зарурлигини белгилайди.

Интеллект бу инсоннинг умумий қобилияти. Альберт Эйнштейн бир пайтлар "ақлнинг ҳақиқий белгиси билим эмас, балки тасаввурдир" деган ва ижодий фикрлаш ақлнинг асосий қисми эканлигини таъкидлаган.

Ижодкорлик - нарсаларни янгича идрок этиш, янги ғоялар ва тушунчаларни ва шу билан бирга инновацион ижодларни яратиш тушунилса, ақл деганда эса билим

²⁹ ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари //Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири Л.Саидова./ –Т.: “Адолат”, 2004. – Б. 19-62.

олиш ва ундан тўғри фойдалана олиш қобилияти назарда тутилади. Шунинг учун ҳам ижодкорлик бошқача фикрлашни талаб қилади.

Инсоннинг интеллектуал қобилиятларига ижодкорлик ва ақл-идрок киради³⁰.

Ўқув фаолиятида ўқувчилар янги билимларни эгаллашлари учун ўқув материални ижодий ўзгартиришни амалга ошириш эҳтиёжларини шакллантиришни ташкил этиш ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилиш усулларида бири ностандарт дарсларни ўтказишдир.

Ностандарт дарслар ўқувчиларнинг тафаккурини, тасаввурини, мустақиллигини, хотирасини, ташаббускорлигини ва иродасини ривожлантиради, билимга қизиқишни янада оширади.

дарслар ва синфдан ташқари ишларни тайёрлашда нафақат ўқитувчи, балки ўқувчилар ҳам қатнашадилар, чунки бундай дарслар икки тарафлама тайёргарлик билан олиб борилади. Бу ҳолат ҳар бир ўқувчига унинг мойиллиги ва қизиқишларига мувофиқ вазифа беришга ундайди. Ностандарт дарсларни ўтказиш жараёнида таълимни дифференциаллаш муаммоси ҳал этишга ёрдам беради, ўқув дастури доираси кенгайди. Ўқувчилар ўзларининг қобилиятлари, фикрлашлари ва ижодий мустақиллигини тўлиқ англайдилар³¹.

Ностандарт дарсларни қўллаган ҳолда, дарс машғулотларини ташкиллаштириш ўқитиш самарадорлигини оширади, ўқитувчи ва ўқувчи томонидан ижодий ёндашувни шакллантиради. Бу фаол таълим шаклларида бири ҳисобланади.

Ностандарт дарсларни турли шаклларда ўтказиш мумкин. Қуйида уларни келтирамиз:

- мусобақалар ва ўйинлар (мусобақа, викторина, турнир, ишбилармонлик ўйини);
- оммавий мулоқот (аукцион, мунозара, баҳс, телеконференция, dialog);
- фантазияга асосланган дарс шаклида (хайрат, ертак);
- амалий дарс, маслаҳат дарси;
- тақлид фаолиятига асосланган дарс (сиртки экскурсия, адабий сайр, адабий зал, интервью, репортаж);
- синфдан ташқари машғулотлардан ўтказилади (КВН, "мўжизалар майдони", "омадли тасодиф", "Юлдузли соат")³²;

Ностандарт вазифаларни ҳал қилиш ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиради. Ўқувчилар таққослаш, таснифлаш, умумлаштириш, таҳлил қилишни ўрганадилар ва бу билимларни янада мустаҳкам ва онгли ўзлаштиришга ёрдам беради³³.

³⁰ Штернберг, Роберт Дж. «Человеческий интеллект». Encyclopædia Britannica, Encyclopædia Britannica, Inc., 26 апреля 2017 г.,

³¹ Еланская З.А. Активизация познавательной деятельности // Начальная школа. -2001.-№6.-с.52-54

³² Троицкая Н.Б. Нестандартные уроки и творческие задания. // Дрофа. Москва 2004

³³ Галкин Е. В. Нестандартные задачи по математике: Задачи логического характера / Е. В. Галкин. — М.: Просвещение; Учебная литература, 1996. – 160 с.

Агар ижодий ташаббус максимал даражада намоён бўлиши учун шароит яратса, ўқувчининг ижодкорлиги, қобилияти ва истаги барча мавжуд воситалар билан қўллаб-қувватланса ва ривожланса, ностандарт фикрлайдиган одамлар кўпроқ бўлади. Мактабда илм-фан ва технологиянинг турли соҳаларига қизиқувчиларни аниқлаш ва уларнинг режаларини, орзуларини рўёбга чиқаришга ёрдам бериш, ўқувчиларни илм-фан, ҳаётда ўз йўлини топиш, уларнинг қобилиятларини тўлиқ очиб беришга ёрдам бериш жуда муҳимдир ³⁴.

Ностандарт вазифаларни мураккабликдаги вазифалар билан аралаштирмаслик керак. Мураккабликдаги муаммоларни шартлари ўқувчилар учун физика муаммосини ҳал қилиш учун зарур бўлган физик аппаратларни аниқлашдан иборат. Ўқувчи ушбу турдаги муаммоларни ҳал қилиш орқали ўқув дастури томонидан берилган билимларни ўзлаштириш жараёнини назорат қилади.

Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларига асосланиб, уч тоифадаги ўқувчилар мавжуд:

1. Умумий қобилиятга ега бўлган талабалар (улар учун мавҳум мантикий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган вазифаларни танлаш керак).

2. Материални амалий ўзлаштириш қобилиятлари устун бўлган талабалар (улар учун амалиётга йўналтирилган вазифаларни танлаш керак)

3. Махсус ижодий қобилиятга ега бўлган ўқувчилар (улар учун хотира, диққат, тасаввурни ривожлантиришга қаратилган вазифаларни танлаш керак)³⁵.

Ижодкорлик кўплаб фазилатларнинг бирлашувидир. Инсоннинг ижодий салоҳиятини таркибий қисмлари масаласи ҳали ҳам ноаниқ, шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ушбу муаммо бўйича бир нечта фаразлар мавжуд .

Ижодий қобилиятлар учта асосий гуруҳга бўлинади:

- 1) мотивация билан боғлиқ қобилиятлар (қизиқиш ва мойиллик);
- 2) темпераментга боғлиқ қобилиятлар (эмоционаллик);
- 3) аклий қобилиятлар.

Р. Стернбергнинг таъкидлашича³⁶, ижодий жараёнда учта махсус интеллектуал қобилият мавжуд:

- муаммоларни янги турда кўриш ва одатдаги фикрлаш тарзидан қочиш учун синтетик қобилият;

- фикрларнинг янада ривожланишига арзийдими ёки йўқлигини баҳолаш учун аналитик қобилият;

- амалий-контекстуал қобилияти бир ғоя қиймати бошқаларни ишонтириш учун³⁷.

³⁴ Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. М.: Просвещение, 1991. 93 с

³⁵ Ланина И.Я. 100 игр по физике. М.: Просвещение, 1995. 224 с

³⁶ Малафеев Р.И. Творческие экспериментальные задания по физике. 9 -11 классы. М.: Школьная Пресса, 2003. 64 с

³⁷ Библер В. С. Мышление как творчество / В. С. Библер. – М.: Политическая литература 1993. –175 с.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ностандарт вазифалар нафақат дарслар учун, балки дарсдан ташқари машғулотлар яъни олимпиада вазифалари учун ҳам жуда фойдали. Чунки бу ҳар бир ўқувчининг натижаларини чинакам фарқлаш имкониятини беради. Бундай вазифалар синфдаги мустақил ишларнинг асосий қисмини осон ва тез удалайдиган ўқувчилар учун ёки кўшимча вазифаларни хоҳловчилар учун яқка вазифалар сифатида ҳам муваффақиятли ишлатилиши мумкин. Натижада ўқувчилар интеллектуал ривожланиш ва фаол амалий фаолиятга тайёргарлик кўришларида асосий туртки бўла олади.